ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

45 (375)

2003 йил 12 ноябр

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

2
- Муаммони мушкул билмас маҳалладошлар
- Оқсоқолни сайлаш катта масъулият

3
- Иймон бутлиги - фазилатлар олийси
- Бир шапалоқ учун икки йиллик жазо

4
- Ҳар маҳаллага бир идора керак!
- Футбол Осиёда ҳам футбол.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДА САЙЛОВ:

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ СЎЗНИ КИМ АЙТАДИ? АЛБАТТА МАҲАЛЛА АҲЛИ!

Айни пайтга келиб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бўладиган сайловларни бошлаш учун бундан олдинги бўладиган тадбирлар деярли ўтиб бўлди. Сайловлар қизғин бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори эълон қилиниб, сайлов олди тадбирларнинг энг нуфузлиси Олий Мажлисда бўлиб ўтган семинар-кенгаш сайловларга ҳозирлика кўриш ва уларни бошлаш учун ойдин йўл очди. Унда эълон қилинган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ўтказиш бўйича Тавсиялар ва сайловлар ҳужжатларини расмийлаштириш намуналари "Mahalla" газетасида эълон қилинди. Бу дегани мамлакатимиздаги барча маҳаллаларда тузилган ишчи гуруҳларига бу йўл-йўриқлар етиб борди. Газетамиз бу йўл билан ўз обуначилар олдидаги энг зарур хизматларини бажарди, деб ўйлаймиз.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек барча туман ва шаҳарларда шу мавзудаги семинар-кенгашлар ҳозирлик ишларига оид йиғилишлар ҳам бўлиб ўтди.

Ана шундай йўл-йўриқлар асосида мамлакатимиздаги баъзи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайловлар муваффақиятли ўтди. Кўпчилигида эса сайловолди ҳозирлиги давом этмоқда.

Агар биз сайлов олди тайёргарлиги даврида эълон қилинган қарор ва тавсиялар, ҳозирланган ҳужжатларни таҳлил этадиган бўлсак бир нарса аён бўлади. Яъни оқсоқол ва шунингдек бошқа маслаҳатчи ва фаолларини сайлашда ҳал қилувчи сўз, аниқроғи овоз кимники бўлади, деган саволга ҳам жавоб топамиз. Бу ўринда "оқсоқол сайловида ҳокимнинг айттани бўлади", "сайлов эмас, тайинлов бўлади" деган киноячи "назоратчи"ларга ҳам жавоб аниқ бўлади.

Аввало Олий Мажлис Кенгаши томонидан эълон қилинган қарорда бу сайловларда ҳокимлик, шунингдек, депутатлар ҳамда турли партияларга оқсоқоллик ва унинг бошқа сайланадиган вазифаларига номзодлар танлашда фуқароларга, шунингдек, ишчи гуруҳларига кўмаклашиш зарурлиги қайд этилган. Шунга кўра ва сайлов жараёнини ташкил борасида тавсия этилган йўналишга кўра ҳокимликнинг ҳам, бошқа органларнинг ҳам фуқаролар йиғини сайловида тайинлаш даражасида аралашишига имкон йўқ. Одатга айланган ва ушбу йилда эълон қилинган йўналишлар асосида сайловлар маҳалланинг барча фуқаролари овоз беришга жалб этилган ҳолда, ёки аҳолининг жойлардан сайлаган вакиллари овоз бериши тартибида ўтади. Демак, фуқаролар йиғининг ҳар бир овоз бериш ёшидаги аҳолиси ёки ўз овози билан, ёки овоз берувчи вакилга овоз бериш билан номзодларга нисбатан ўз хоҳиш-иродасини баён қилиш ҳуқуқига эга.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат

Тошкент вилояти Янгийўл тумани Хонқўрғон маҳалласи оқсоқоли Абдураҳим Азимов ушбу сайловда ҳам маҳалласи аҳлининг ишончини қозониб, қайта сайланди.

Номзодлар турли даражасидаги йиғинлардан ишчи гуруҳига таклиф этилади. Уларнинг сони чекланмаган. Ҳокимлик, партия ташкилотлари, депутатлар ва бошқа ёрдамга бериши кўзда тутилган ташкилотлар эса бу номзодларнинг сифат даражаси, сайланаётган лавозимига, айнан аҳоли талабига, давр талабига мос бўлиши учун ўз маслаҳатларини беради. Демак бу ўринда бу ташкилотлар томонидан, ёки ишчи гуруҳи томонидан қайсидир номзодга нисбатан хайрихоҳлик, қайсидир номзодга нисбатан сунъий тўсиқ яратишдек салбий ҳолат юз берганда ҳам сайловчилар томонидан сайлаш шарти улар ҳаракатини пучга чиқаради. Чунки ҳар бир сайловчи сайловда фақат ўз хулосасини эълон қилади - яъни ўзи учун ўзи овоз беради.

Демак бу ўринда гап фақат Ўзбекистонда мавжуд бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказиш борасидаги тамойилларга тўлиқ амал қилишда қолади.

Бугунгача ўтган сайловларда эса ана шу тамойилларнинг амали акс этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида «Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳамда унинг аъзолари ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ҳаётга жорий этишни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси юзасидан амалга оширилаётган ишлар доирасида навбатдаги семинар бўлиб ўтди.

ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК БИТИМИ - АМАЛДА

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Европа Иттифоқи комиссиясининг техникавий ёрдамини мувофиқлаштириш бюроси томонидан ташкил этилди.

Семинарда лойиҳа раҳбари А.Стрейн Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ҳаётга жорий қилишни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборот берди.

Европалик мутахассислар Жаҳон савдо ташкилотининг (ЖСТ) хизматлар савдоси бўйича бош битими, хизматлар савдоси соҳасидаги ҳамда ЖСТга аъзо бўлиш юзасидан ишчи гуруҳлар доирасидаги музокараларнинг бориши, Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиши натижасида хизматлар бозорида вужудга келиши мумкин бўлган ўзгаришлар тўғрисида маърузалар қилди.

(ЎзА)

● Маҳалла ва солиқчи

Қашқадарё вилояти

ҲАМКОРЛИК

у ҳар икки томонга катта манфаат келтиради

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси ҳамда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими Обод маҳалла йили муносабати билан "Ибратли маҳалла оқсоқоли ва намунали участка давлат солиқ инспектори" танловини ўтказди.

Низомга мувофиқ асосий эътибор оқсоқол ва инспекторларнинг ҳамкорлиги, солиқ турлари бўйича режаларнинг муддатида бажарилиши, Обод маҳалла йили талбирларининг қай даражада амалга оширилишига қаратилди. Ҳайъат аъзолари биринчи ва иккинчи босқичда ғолиб чиқиб, энг юқори балл тўплаган 22 та маҳалла оқсоқоли ҳамда солиқ инспекторларининг иш фаолиятини ҳар томонлама ўрганиб чиқди.

Қамаши туман Чим қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Н.Эрданов ҳамда участка Давлат солиқ инспектори А.Хушматовлар биринчи ўринга лойиқ топилиб, Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Косон туманидаги Косон, Китоб туманидаги Паландара қишлоқ фуқаролар йиғини раислари Т.Фармонов, Х.Алиқулова ҳамда шу қишлоқларнинг солиқ инспекторлари Ж.Турсунов, А.Хабизовлар иккинчи, Деҳқонобод тумани Кармана, Шаҳрисабз тумани Саъдий номли, Яккабоғ туманидаги Қўшчинор қишлоқ фуқаролар йиғини раислари Д.Янгибоев, А.Халилов, С.Бобоқулов ва солиқ инспекторлари Б.Ахмедов, Т.Норқулов, М.Жонқобиловлар учинчи ўринни эгалладилар.

Давлат ғазнасини маблағ билан тўлдириш, маҳаллаларда ижтимоий, маданий, маърифий, ободонлаштириш ишларини олиб боришда муҳим аҳамиятга эга бўлган бундай танловларни бундан кейин ҳам ўтказишга қарор қилинди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ.

Жиззах вилояти

НЎШИРАВОНЛИК САХОВАТПЕШАЛАР

Сангзор хўжалигидаги Қора қишлоғида яшовчи Жуман Нуримов Ҳаж сафари учун атаб қўйган жамғармасидан 280 минг сўмини кўприк учун сарф этди.

Сангзор дарёсида, одатда сел кучли бўлади. Айниқса, баҳор фаслида тоғлардан, унинг атрофидаги қирлардан йиғилган қор ва ёмғир сувлари сойни тўлдиради, шашт билан оқа бошлайди. Дарё ўзанини ўзгартиради, гоҳида кўприкларни бузади, аҳолига таҳдид солади. Хўжалик ва маҳаллалар сайъ-ҳаракати билан ҳар йили бир неча марта кўприклар, йўллар таъмирланди.

Тасаввур қилинг, тегирмонга боришингиз керак. Кўприк эса бузилган. Дарё хуруж қилган пайтлари улов билан ҳам ўтиб бўлмайди. Бир неча километр масофадан айланиб келиш учун вақтингиз кетади. Агар «тез ёрдам»га, шифохонага ишингиз тушадиган бўлса-чи? Хунобингиз янада ошади. Жуман ака бундай ҳолатларни бошидан кечирган, у маҳалла вакилининг қистовини кутиб ўтирмай, маҳалла аҳлига кўприк зарурлигини ҳис қилганлиги учун Ҳаж сафари учун йиғиб қўйган жамғармасидан зарур бўлган миқдорда саховат қилди.

Қизиғи шундаки, Нўширавон қишлоғида ана шундай саховатпешалар кўпчиликни ташкил қилади.

Қишлоқ ўқувчилари бу йилги янги ўқув йилини ҳашар йўли билан битказилган икки қаватли замонавий мактаб биносида бошладилар. Сайфулла Бозоров номидаги бу илм даргоҳи жуда қисқа муддатда қуриб, фойдаланишга топширилди.

- Қишлоғимизнинг Нўширавон деб аталишида ҳам ўзига хос ҳикмат бор, - дейди маҳалла фахрийси Ашур ака Бозоров, - айтишларича, айрим саҳобалар одилликни ва саховатпешаликни одил шоҳ Нўширавондан ўрганган эканлар. Меҳру шафқат кўрсатиш, саховатпешалик қилиш бизларга ота-бобомиздан мерос қолган. Шунинг учун ҳам илгари ташландиқ бўлиб ётган майдондаги мактаб қурилишида маҳалла оқсоқоли Сирожиддин Қўзибоевнинг ташаббуси билан кўпчилик фуқаролар ҳашарда фаол қатнашдилар. Мактаб қурувчиларига Абдумалик ака ишбоши бўлди. Ғайбулла ака, Ғофур, Ҳусан, Баҳриддинлар ҳашарда алоҳида жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Халқ таълими бўлими янги мактаб учун зарур барча жиҳозларни муҳайё қилди.

Қора қишлоғида ҳам ҳашар йўли билан ўрта мактаб биноси қурилди. Чибор қишлоғида эса қишлоқ врачлик пункти қурилиши давом этмоқда. Бу ерда асосий ишларни қурилиш бригадалари бажаришмоқда. Қўқаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари ҳам ҳашар йўли билан амалга оширилаяпти.

Ҳа, нўширавонликлар ўз томорқаларида ва фермер хўжаликларида яхши деҳқончилик қилиш эвазига, ўзларини истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаяпти, ортганини сотувга чиқаришади. Даромад чакки эмас. Шу боис саховатпешалик билан қатор жамоат binolari қурилиб, кўприк ва йўлларни таъмирланмоқда.

П.ТОЖИБОЕВ,
А.РАҲИМҚУЛОВ,
«Mahalla» мухбирлари.

Бахмал тумани

● Шахсий фикр, шахсий даъват:

У ЭЛИМ ДЕБ ЯШАСА...

унинг учун овоз бераман!

Бир оиланинг ташвиши ҳар қандай топармон-тутармон одамни ҳам минг бир муаммо чиғириғидан ўтказади. Бир оилада шунча ташвиш бўлса, бир маҳаллада бу каби ишлар, қанчалик кўп эканлигини англаб олиш қийин эмас.

Бу эса, маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари ҳар томонлама билимдон, кўпнинг ҳурматига сазовор бўлган, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқа оладиган, ҳалол фаолият кўрсатаётган кишилардан таркиб топиши лозимлигини кўрсатиб турибди. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларига ўтказиладиган сайловлар кимнинг қандай ишларга қодирлигини, кимнинг тадбиркор-у ишбилармонлигини, шунингдек, ўз нафсига эрк бериб халқни унутиб қўйганларни ҳам, бепарво ва лоқайд бўлганларни ҳам яққол кўрсатиб беради.

Маҳаллада ҳақсизлик, адолатсизлик, бировнинг ҳуқуқини поймол қилиш ҳолатлари юз берса, бунга ҳар бир виждонли киши қарши курашади. Ҳашаматли уй-жойи, автомашинаси, гектарлаб томорқаси бўлган оила соҳибига болалари учун яна нафақа пули тўланса ёки моддий ёрдам «инъом» қилинса ўша маҳалла оқсоқолидан ночор аҳволда яшаётган оила соҳиблари, ҳимояга муҳтожларнинг ранжиши турган гап. Кези келганда таъма эвазига шундай ишга қўл ураётган ўша оқсоқол қонун олдида жавоб бермаганида ҳам виждони олдида, уни сайлаганлар олдида жавоб бериши тайин-ку! Одамлар бундай раислардан ҳафсаласи пир бўлади. Ўзини ўйлайдиган бундай оқсоқоллар сайлов пайтида қайта сайланмаслиги, шубҳасиз.

Одамларнинг дардларини тинглаш, уларга малҳам бўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Тўй ва маъракаларни камчиқим ва исрофгарчиликсиз ўтказиш, турли хил тадбирлар уюштириш, маҳалла фуқаролар йиғини раисининг доимий юмушларидан саналади. Спиртли ичимликсиз тўй ўтказаётганларнинг ташаббусларини кенг тарғиб этиш, ободончиликка ҳисса қўшаётганларни алоҳида рағбатлантириш, маҳалланинг ҳашарларида фаол қатнашаётганларини вақти-вақти билан тақдирлаб туриш уларнинг доимий вазифаси бўлиши лозим.

Маҳалладаги барча муаммолар ечимини топа оладиган, элим, юртим деб елиб югурадиган ишнинг кўзини, муаммонинг ечимини биладиган, инсофли, диёнатли кишиларни оқсоқолликка сайлайлик. Ана шунда маҳалла адолат ва яхшилик кошонасига айланади.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ.

Обуна-2004

Mahalla

-Яна нима дейди?
-2004 йил учун обуна бўлинглар, - дейди!

"Mahalla"НИНГ ДАСТЛАБКИ МУКОФОТИ БУЛОҚБОШИГА БОРАДИ!

Айни кунларда юртимизда нашр этиладиган газета ва журналларга обуна мавсуми қизғин тус олган. Тан олиш керак, ҳозирча кўпгина нашрларнинг келаси йилдаги фаолияти кўп жиҳатдан обуна кўрсаткичларига боғлиқ бўлади.

Айнан "Mahalla" газетаси хусусида айтиш мумкинки, кейинги йиллар давомида юртимизда маҳаллалар фаолияти ривожланиб бораётгани сари нашримизнинг муштарийлари сафи ҳам кенгайиб, нуфузи ортиб бормоқда. Ўз навбатида газетанинг маҳалла тизими ходимлари учун ҳозиржавоб маслаҳатчи, фаолиятларида кўмакчи сифатида зарур ҳужжатларни, илғор тажрибаларни ўз вақтида етказиб бераётгани, хулласи калом маҳаллаларимиз қувончига шерик, дардига ҳамдард бўла олишга интилиши ҳам беиз кетмаяпти. Демак, келгуси йилда "Mahalla" кириб борадиган хонадонлар, маҳаллалар, муассасаю ташкилотлар миқдори янада ортишидан умидвормиз. Шу мақсада таҳририят обуначи учун мукофотлар берилиши ҳақида эълон қилганди. Айни кунгача бизга етказилган хабарларга кўра, таҳририят томонидан энг кўп обунани ташкиллаган вилоят, шаҳар, туман "Маҳалла" жамғармаси бўлим ва бўлинмалари, қишлоқ ва маҳалалар фуқаролар йиғинлари учун тайинланган мукофотларга лойиқ бўлган дастлабки обуначиларимиз маълум бўлмоқда: дастлабки мукофот — телевизор Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги Найман қишлоқ фуқаролар йиғинига йўл оладиган бўлди, йиғиннинг ўзида 36 та йиллик обуна уюштирилган. Унинг таркибидаги Найман ва Сарвонтепа маҳаллалари эса 10 тадан обуна бўлинган.

Пойтахтимиз туманлари орасида Сергели тумани маҳаллаларн жами 70 та йиллик обуна уюштириб, яна обуна бўлишда давом этмоқдалар. Туманидаги Алишер Навоий ва Усмон Юсупов номли маҳаллаларнинг ҳар бири 5 тадан йиллик обуна бўлдилар. Улар учун бир таскин бор ҳали вақт бор, улгуриш мумкин.

Шуни айтиш керакки, айрим муштарий "Mahalla" обунасида мукофот олиш нари турсин, ўзлари учун бир дона обуна бўлишга ҳам улгурмаганлар.

ТАҲРИРИЯТ

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтаризмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

ИРОҚДА МУНТАЗАМ АРМИЯ ТУЗИЛАДИ

Ирокда мамлакат қуролли кучларини ташкил этиш масаласи АҚШ вақтинчалик маъмурияти ҳамда Ироқ муваққат бошқарув кенгаши олдидаги бирламчи вазифага айланди. АҚШ мудофаа вазирлиги мазкур жараённи тезлаштириш чораларини кўрмоқда.

АҚШда чоп этиладиган «Балтимор Сан» газетасида хабар қилинишича, Пентагон партизанлик ҳаракатларига қарши курашга Ироқнинг собиқ ҳарбий хизматчиларини жалб этиш масаласини кўриб чиқаётир. Режага кўра, келаси йил кузга қадар Ироқда ички тартибни сақлаш ишларига сафарбар этиладиган маҳаллий аҳоли вакилларининг сафи кенгайтирилади.

Маълумотларга қараганда, ҳозир ироқликлардан ташкил этилган ҳарбий бўлинмаларда бир юз ўн саккиз минг киши хизмат қилмоқда. АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелд журналистлар билан учрашувда 2004 йилда бу рақам икки юз йигирма мингга етишини маълум қилди.

Пентагон раҳбарининг фикрича, мазкур ҳарбий бўлинмалар Ироқдаги коалиция кучлари каби етарли жанговар тайёргарлик ва малакага эга эмас. Лекин маҳаллий шароитда улар яхшироқ ҳаракат қила олади. Д.Рамсфелд миллий қуролли кучларнинг ташкил этилиши ироқликларнинг ўз озодлиги учун курашда фаол иштирок этишини таъминлайди, деб таъкидлади.

Куни кеча Бағдодга Австралия мудофаа вазири Роберт Хилл ташриф буюрди. У Ироқдаги Австралия ҳарбийлари маҳаллий ҳукуматнинг миллий армияни шакллантириш ишларига кўмаклашишини айтди. Роберт Хиллнинг таъкидлашича, улар мунтазам армия шахсий таркибини тайёрлаш соҳасида катта тажрибага эга. Вазир мазкур қўшин Ироқда тинчлик ва барқарорлик тўла-тўкис қарор топгунича ҳеч қаерга олиб кетилмаслигини маълум қилди.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорида таъкидланганидек, сайланажак оқсоқол ва маслаҳатчилар ташкилотчилик қобилиятига эга, аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлган, ҳар жиҳатдан етук инсонлар тоифасидан бўлишлари керак

● Мулоҳаза, муносабат, таклифлар...

Тошкент вилояти

Эркин ҒУЛОМОВ, доцент.

САЙЛОВ БАҲОНАСИДА...

Ҳа, биз кучли давлатдан кучли жамиятга ўтмоқдамиз, ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз, улкан сиёсий, тарбиявий ва маънавий маскан бўлмиш маҳаллаларимизнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, бош мақсадларимиздан келиб чиққан ҳолда, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммасига ўтиб бориши ҳам бошқарув ишларимизда ҳар жиҳатдан етук инсонлар бўлишлигини тақозо этади.

Ана шундай кенг қамровли, муҳим вазифаларни амалга оширишда раҳбарлик қила биладиган шахслар орасидан катта ҳаёт ва бошқарув тажрибасига эга бўлган, ташкилотчи ва ташаббускор, фидойи ва жонкуяр, ҳалол ва адолатпарвар, малакали иқтисодчи, файласуф ва ҳуқуқшунос, олим ва ўқитувчилар орасидан оқсоқол ва маслаҳатчиларни сайлаш - ўтказилаётган сайловларимизнинг бош мақсади бўлиб ҳисобланади.

Сайловлар муносабати билан маҳаллалар фаолиятига тааллуқли бўлган бир қатор масалалар ҳақида таклиф ва мулоҳазалар билдирмоқчимиз:

- Маҳаллаларга мақом бериб, маош тайинлаш сабабли қатор маҳаллалар бирлаштирилиб, ҳам ҳудудий, ҳам аҳолисининг кўплиги жиҳатдан бир мунча йириклашиб кетиши ижобий натижа бераяптими?

- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ижтимоий адолат тамойилларига риоя қилишга тўлиқ эришилаяптими?

- Маҳаллаларнинг бош раҳбари ким?

Кўп йиллик тажрибалардан келиб чиқиб, шуни таъкидламоқ керакки, ҳар бир маҳалла тарихан таркиб топган ўзига хос анъана, урф-одатлар ва тарихига эга бўлиб, уларни меъёридан ортиқча йириклаштириб юборишни турмуш тақозо этмайди.

Собиқ иттифоқ даврида қатор вилоят, туман ва маҳаллаларни бирлаштириш тажрибаси ўзини оқламаганини ҳаёт кўрсатган эди.

Маҳаллалар қанчалик катталашса, уларни бошқариш, ободонлаштириш, аҳоли билан мулоқотда бўлиш шунчалик қийинлашади. Кўчабошиларга топширилган иш ҳамма вақт ҳам ҳар жиҳатдан маҳалла оқсоқолининг ўзи иштирок этган вақтидагидек бўлавермайди.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда белгилаб қўйилганидек, маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Айрим ҳолларда ана шу ташаббус, хоҳиш ва истаклар эътиборга олинмасдан маҳаллаларни бирлаштириб юборилиши натижасида қатор бой тажриба, тарихи, тарихий анъаналарга эга бўлган маҳаллаларнинг номлари йўқ бўлиб кетишига сабабчи бўлмоқда ва улар асосий гузар ва идоралардан анчагина узоқлашиб қолмоқдалар.

Маълумки, маҳаллалар фаолиятининг энг асосий тамойилларидан бири қўшничилик бўлиб, бу тамойил минглаб йиллар давомида ўзининг афзаллик томонларини намойиш қилиб келган. Қўшничиликсиз маҳалланинг ўзини тасаввур этиш мумкин эмас. Афсуски, ана шу тамойил ҳатто "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда ҳам ўз аксини топмаган.

"Ватан туйғуси" номли китобнинг "Маҳалла" бобида шундай бир ибора келтирилади:

- "Шариат бўйича ҳар бир оила учун ўнг, сўл, орқа ва олд томондан қирқталан хонадон, жами бир юз олтмиш хонадон қўшни мақомидадир.

Қўшнининг қўшнига шаърий ҳаққи бор. Қўшни мусулмон бўладими ёки ғайридин бўладими, қўшничиликда бунинг аҳамияти йўқ".

Демак, қадимги маҳаллаларимизнинг 150-200 хонадондан иборат бўлиши балки шундан бўлса керак.

Ижтимоий адолат ҳақида жуда кўп гапирамиз. Лекин ана шу тамойил маҳалла оқсоқоллари, котиб, посбон ва педагог-тарбиячи ўртасида тўлиқ амал қилаяптими?

Албатта, йўқ. Республикамизда хонадони мингдан, аҳолиси ўн мингдан ортадиган, маҳалласини ҳар жиҳатдан обод қилиб қўйган юзлаб маҳаллалар бор. Ва аксинча 300-400 хонадонли, аҳолиси 3 мингдан ортмайдиган, ўртача фаолият кўрсатаётган маҳаллалар ҳам бор. Беш юздан ортиқ оиласи бўлиб, мақомига тўғри келса бас, барчасига баробар бир хил маош тўланаверади. Бизнингча, маҳаллаларда тўланадиган ҳақ бажарилган ишларнинг ҳажми, салмоғи ва сифатига қараб, юқори, ўрта ва қуйи категориялар асосида жорий этилса ижтимоий адолат тамойилининг тўлиқ қарор топишидан ташқари, ҳозиргача жамоатчилик йўли билан ишлаб келаётган маҳаллалар ҳам маош олувчилар қаторига ўтишлари мумкин.

Яна шуни очиқ эътироф этишимиз керакки, қишлоқ жойлардаги маҳаллаларнинг бевосита раҳбари ким? Туман ҳокимлигими, "Маҳалла" жамғармаларининг туман бўлинмаси, қишлоқ фуқаролар йиғиними ёки ширкат хўжалигими? Масалан, бизнинг Тошкент туманида маҳаллаларимизга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатаётган асосан туман ҳокимияти ва ширкат хўжалиги бўлганлиги учун аҳоли уларни маҳаллаларнинг бевосита раҳбари, жонкуяри ва ҳомийси деб тушинади.

Маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеи ортиб борган сайин қишлоқ фуқаролар йиғинларига деярли эҳтиёж қолмаяпти, деса ҳам бўлади. Бундай қўш ҳокимиятчиликка барҳам бериш керак, деб ўйлаймиз.

Ниҳоят, ҳисобот ва қайта сайлов жараёнларида яна бир нарсага жиддий эътибор берилишини истар эдик. Биз кўпинча маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчиларининг ишчанлик, ташаббускорлик, фидойилик ва масъуллик ҳамда жавобгарлик фазилатларини талаб қиламиз-у, лекин фуқароларнинг ҳам масъуллиги, жавобгарликларини янада ошириш кераклиги тўғрисида кам гапирамиз.

Ваҳоланки, кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарорларни бажаришда масъулликни ҳис этиш, аҳиллик ва иноқлик билан бир ёқадан бош чиқариб ишлаш, маҳаллани қонун-қоидаларига барчанинг баробар риоя этиши, ҳар бир ишда қатъий интизом, адолат ва ҳалоллик - маҳалла ҳаётининг бош мезонидир.

Тошкент шаҳри

«ХОҲИШ-ИРОДАМИЗ ИФОДАСИ БЎЛДИ»

дейишмоқда Ҳ.Абдуллаев номли маҳалла аҳли.

Акмал Икромов туманидаги Ҳабиб Абдуллаев номли маҳаллада дастлабки сайловлардан бири бўлиб ўтди. Даставвал маҳалла аҳли маҳаллага кўп йиллардан бери оқсоқоллик қилган Ўткир Обидов ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тингладилар. Ҳар икки ҳисобот қониқарли деб топилди. Сўнгра маҳалла оқсоқоллигига қўйилган номзодлар эълон қилинди. Номлари эълон қилинган уч номзоднинг биттаси сайловда иштирок этишдан ихтиёрий равишда воз кечди. Ҳар икки номзод маҳалладошларини ўз дастурлари билан таништирдилар. Сайлов очиқ овоз бериш воситасида амалга оширилди. Унинг натижасига кўра, Атҳам Авазов маҳалла оқсоқллигига сайланди. Сайлов орқали маҳалла аҳли ўз хоҳиш-иродасини ифода этди.

Арофат ИБРАГИМОВА,
Ҳабиб Абдуллаев номли маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси.

● Йиғинларда ҳисобот-сайловлар

Фарғона вилояти

ҲИСОБОТ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ ВА ...

Кўп жойларда йиғилишга одам тўплаш қийин кечади. Марғилон шаҳридаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқароллар йиғинида эса бунинг акси бўлди. 3-ўрта мактаб мажлислар залида ўтказилган ҳисобот - сайлов йиғилишига ҳудуддаги 15 та кўчадан сайланган 45 нафар вакиллар билан бирга яна юзлаб фуқаролар келишди. Улар маҳаллада ўтказилган барча тадбирларда қатнашиб келган фаоллар эди.

Йиғилиш ишчанлик руҳида ўтди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Содиқжон Абдуллаев, тафтиш комиссиясининг раиси Умаржон Хошимов ҳисобот даврида амалга оширилган ишларни бирма-бир баён этишди. Йиғилишда 7 киши сўзга чиқиб, маърузачилар томонидан айтилмаган гапларни айтишди, келгуси вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ҳисобот маърузалари ва музокарада қатнашган нотиқларнинг сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, ҳисобот даврида маҳаллада қатор ибратли ишлар қилинган.

Маҳаллада юқоридаги ютуқлар билан бирга ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Маҳалла ҳозирги кунда ўз биносига эга эмас. Бу камчиликларни тезда бартараф этиш янги сайланадиган йиғин раиси ва кенгаш аъзолари олдига асосий вазифа қилиб қўйилди.

Йиғилиш қатнашчилари камчиликларни кўрсатган ҳолда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Содиқжон Абдуллаевнинг ҳисобот даврида фаолиятини қониқарли деб баҳоладилар ва уни яна ушбу лавозимга сайладилар.

Қодир ШОДМОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Самарқанд вилояти

ФАОЛЛИК ДАВРИ

Каттақўрғон шаҳри маҳаллаларининг ҳам ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётида қизғин палла бошланди. Бу ҳолат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайловларнинг бошланиши билан боғлиқдир, албатта.

Шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмамиз фуқароларнинг сайловларда фаол қатнашишлари ҳамда маҳаллалар нуфузини янада яхшилашга чорловчи таклифлари асосида тадбирлар тузиб, анжуманларни уюшқоқлик билан ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Шаҳар ҳокимлиги ишчи гуруҳи, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари шаҳар Кенгашлари аъзолари билан барча маҳаллаларда бўлиб, бу сиёсий тадбирни муносиб ҳозирлик кўрган ҳолда ўтказиш, маҳалла фуқаролар йиғини ҳисобот-сайлови маърузаси, барча меъёрий ҳужжатларни ҳозирлашда ишчи гуруҳининг фаоллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди ва тўпланган ҳужжатлар ташкил этилган бурчакка қўйилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларига ҳозирлик кўриш бўйича баённомалар расмийлаштирилиб, шиорлар ёзилди, маҳаллада ҳисобот-сайловлар бўладиган кун, вақти, кун тартиби, қаерда бўлиши ҳақидаги эълонлар кўринарли жойларга илиб қўйилди.

Хуллас, Каттақўрғон шаҳри ва унинг таркибидаги Ингичка шаҳарчаси фуқаролар йиғинларида барча тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди ва сайловлар муваффақиятли бошланди.

Шуҳрат САЛОҲИДДИНОВ,
Каттақўрғон шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси бўлинмаси раиси.



"Менда таклиф бор эди..."

Жиззах вилояти

... ЭНДИ НАВБАТ САЙЛОВЛАРГА

11 ноябр куни вилоят ҳокимлигининг мажлислар залида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ўтказишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Семинар иштирокчилари Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Есинқуловнинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини оширишдаги асосий вазифалар», вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Тўйчиеванинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ваколатларини кенгайтириш", "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси М.Ҳасановнинг "Оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашда "Маҳаллла" жамғармаси бўлинмаларининг вазифалари", вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.Сулаймоновнинг сайловлар давомида жамоат тартибини сақлаш, вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Й.Очиловнинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловнинг ҳуқуқий асослари ва кафолатлари" мавзуларидаги маърузаларини тингладилар. Семинарда Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлиснинг ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова иштирок этди ва йиғилганларнинг саволларига жавоб берди. Семинар иштирокчилари Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласи ва Жиззах туманидаги Охунбобоев номли қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб, уларнинг сайловларга ҳозирлик кўриш борасидаги тажрибалари билан танишдилар. Энди навбат сайловларга.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Маҳалла ҳаракатини Сармоялаш Дастури:

«МУАММОЛАР ЕЧИМИ ФУҚАРОЛАР ИЗМИДА БЎЛИШИ МУМКИН»

Ўтган йил мобайнида 155 минг нафардан ортиқ маҳалладошларимиз ўз маҳаллалари ҳаётида муҳим ўрин тутган лойиҳалар бўйича, изланиш, муҳокама, музокара қилиш ва уларни амалга ошириш орқали ушбу ҳамжамиятни ривожлантириш дастуридан наф кўрдилар.

бунинг учун уларда вазиятни баҳолаш, имконлар ва ресурсларни аниқлаш ва ҳамжихатликда тадбир қўллаш кўникмасини тарбиялаш лозим

Кейинги йилларда турли халқаро нуфузли нодавлат ташкилотларнинг маҳалла тизими фаолиятига қизиқиши ва эътибори кучайиб бормоқда. Америка Қўшма Штатлари каби ҳар жиҳатдан ривожланган давлатнинг нодавлат ташкилотлари томонидан маҳалла фаолиятини ўрганиш ва уни қўллаб-қувватлаш борасида тадбирлари алоҳида эътирофга лойиқдир. Айни кунларда ана шундай ташкилотлардан бўлган CHF Интернэшнл (CHF International) ва Каунтерпарт Интернэшнл (Counterpart International) ҳамкорлигида амалга оширилаётган маҳалла фаолиятини ривожлантиришга қаратилган тадбир - Маҳалла ҳаракатини Сармоялаш Дастури (САІР) ҳақида кўплаб маълумотлар олмоқдамиз. Ушбу Дастур ташкилотчиларидан ундан кўзланган мақсадлар ва фаолият тартиби хусусида атрофлича маълумот беришларини сўраб мурожаат қилдик. Дастур раҳбарлари бу ҳақда бизга маълумот бердилар.

Ивана ШИРОВИЧ,
Дастур раҳбари.

- МҲСД (Маҳалла ҳаракатини Сармоялаш Дастури – САІР) Америка Қўшма Штатлари Халқаро Ривожланиш Агентлиги (АҚШХРА - USAID) томонидан сармояланувчи уч йиллик дастур бўлиб, у Ўзбекистондаги маҳаллаларда ҳамжиҳатликка асосланган иштирок тизимини ўрнатишда, ёрдамлашишга қаратилган. МҲСД АҚШда жойлашган иккита нодавлат ташкилот – CHF Интернэшнл ва Каунтерпарт Интернэшнл томонидан амалга оширилувчи дастурдир. Дастурга асосан аввало жойларда, жумладан маҳаллаларда ҳамжамият (Маҳалла) Ривожлантириш Кенгаши (МРК) деб номланган маҳалла ташаббус гуруҳлари сайланади ва фаолияти йўлга қўйилади.Ушбу тизим фуқароларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш, ижтимоий хизматларни йўлга қўйиш ва янги иш ўринларини яратиш масалаларида ўзлари учун устувор бўлган йўналишларни аниқлаш имконини беради. МҲСД дастури Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги маҳаллалар ривожланишига ўз ёрдамини бермоқда. МҲСД дастурини Фарғона водийсида Мегсу Corp ҳалқаро нодавлат ташкилоти амалга оширмоқда. Ушбу ташаббус аслида АҚШХРАнинг Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё бўйлаб ижтимоий барқарорлик ва этник ҳамжиҳатликни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг миқёсли дастурининг таркибий қисмидир. Ҳамжамият Ривожлантириш Кенгашини шакллантириш тартиби қуйидагича: жойларда уларнинг аъзолари умуммаҳалла йиғинларида демократик тамойилларга асосланган холда ҳамжамият вакиллари иштирокида сайланади. Бундай кенгашларга маҳалла фаоллари сайланади ва аъзоларнинг камида 40 фоизини хотин-қизлар ташкил этадилар. Умуммаҳалла йиғинларида камида 150-200 фуқаро қатнашиб, ҳамжамият Ривожлантириш Кенгашини сайлаш ва унинг фаолиятидан хабардор бўлиш, энг муҳим муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш йўлларини, яъни лойиҳаларни танлаш ва лойиҳаларни тантанали якунланишини нишонлаш ва бошқа бутун ҳамжамият ривожланишига тегишли масалалар юзасидан фикр алмашадилар ва овоз бериш йўли билан қарор қабул қиладилар. Ҳамжамият Ривожлантириш Кенгашларига сайланганлар олти модулдан иборат бўлган маҳаллани сафарбар қилиш, маҳалла ташаббусини қўллаб-қувватлаш, амалга ошириш ва бошқариш (менежмент) тренинг дастурида қатнашадилар. Ушбу машғулотлар давомида улар янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни аниқлаш услублари ва уларни амалга ошириш-ни ўрганадилар. Ўтган йил мобайнида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 60 та ҳамжамият Ривожлантириш Кенгашлари менежмент бўйича янги эгалланган кўникмаларни ғарб услубидаги 70 дан зиёд лойиҳа режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қўлладилар. Ушбу лойиҳалар орқали аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш, мактабларни таъмирлаш, тиббий хизматлар даражасини ошириш ва янги иш ўринларини яратишга эришилди.

- Демак, ҳамжамият Ривожлантириш Кенгашларининг асосий фаолияти жойларда мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган, шундайми?

- Оддийроқ айтганда, шундай. Бунинг учун аввало маҳалла аъзолари йўналтирилган тренингларда қатнашиш, кичик, кўргазмавий лойиҳаларни амалга ошириш орқали фуқаролар ўртасида ўзаро ишончни шакллантириш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш йўлларини тўғри аниқлаш борасида кўникмалар ҳосил қиладилар.

Умумишни бошқариш ва давомийлигини таъминлаш, фуқаролар диққатини жалб қила билиш, жумладан, мустақил равишда аҳолидан маблағ йиғиб мақсад сари йўналтириш, шунингдек, маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда ишлашни кўзлаб фаолият юритадилар. Дастурнинг фаолият моҳияти шундай: айтайлик, мавжуд муаммоларни ҳал этиш ёки бирон таниқсликни бартараф этиш учун нима талаб этилади?. Албатта, биринчи навбатда – маблағ. Биз мана шу маблағни маблағлигича фуқароларга топширмаймиз. Бу маблағни ана шу фуқароларнинг ҳамжиҳатликда муаммо ечимини излаш ва қўл остидаги имкониятлардан фойдаланиб туриб ҳаракат қилишга ўргатамиз, ижтимоий-иқтисодий йўналишда дунёда илғор саналган усуллар билан таништиришга, техник ёрдам кўрсатишга сарфлаймиз. Чунки ривожланиш жараёни давом этар экан, бирон муаммо фуқаролар олдида кўндаланг бўлади албатта. Шунинг учун фуқароларга сингдирилган кўникмаларимиз уларга доимо асқотишига, ёрдамга келишига умид қиламиз.

Майкл КУНЦ,
Дастур раҳбари муовини.

- Самарали фаолият юритган ҳамжамиятни мисол тариқасида келтирсангиз. Унинг фаолияти орқали аниқ бир муаммо ҳал этилганми?

- Қашқадарё вилоятидаги Офтобруй маҳалласида истиқомат қилувчи кўплаб оилалар кейинги уч ой мобайнида ўз томорқаларида картошка ва бошқа сабзавотларни етиштириб, бундан фойда кўраётган эдилар. Лекин маҳаллага оби ҳаётни ҳайдаб турган сув насоси бузилиб, яна бунинг устига узоқ муддат қаровсиз қолгани туфайли умуман яроқсиз ҳолга келди. Бунинг оқибатида маҳалладаги кўпчилик хонадонлар томорқаларида экин етиштириш имкониятидан маҳрум бўлдилар. Офтобруй маҳалласида умуммаҳалла биринчи йиғилиши давомида 300 та фуқаро қатнашиб, 11 кишидан иборат ҲРК (Ҳамжамият Ривожлантириш Кенгаши)ни сайладилар. ҲРК аъзолари менежмент бўйича "Ҳамжамият гуруҳини бошқариш" ва "Лойиҳани режалаштириш" йўналишида иккита тренинг машғулотларини муваффақият билан якунлаганларидан сўнг Кенгаш МҲСД дастуридан техник ёрдам олишга эришдилар. МҲСД-дан олинган маълумотлар ва эгалланган янги кўникмалардан фойдаланган ҳолда ҲРК аъзолари бутун маҳалла ва маҳалла фаоллари иштирокида муаммони ҳал қилишнинг йўлини топдилар. Улар юз фоиз аҳоли имкониятлари орқали сармояланувчи лойиҳани ишлаб чиқиб, амалга оширдилар. Лойиҳа харажатларини қоплаш мақсадида Офтобруй ҲРКи МҲСД услубиётларидан фойдаландилар. Аҳолини нақд пул йиғиш ва таъмирлаш ишларида уюшқоқлик билан қатнашишга даъват этишди. Офтобруй маҳалласи фуҳаролари сув лойиҳасини муваффақият билан якунлагач, ҲРК аъзолари "Лойиҳа барқарорлиги ва уни бошқариш" деб номланган учинчи тренингда қатнашдилар ва унинг давомида сув насосининг доимий равишда ишлаб туришини қандай таъминлашни ўргандилар. Офтобруй ҳамжамияти аллақачон ўзининг иккинчи лойиҳаси устида ишни бошлаб юборди. Ушбу лойиҳа бўйича 300 дан ортиқ фуқаро табиий газ билан таъминланади.

Офтобруй маҳалласи фаолияти кейинги бир неча йил давомида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги 72 та маҳаллада амалга оширилувчи лойиҳалардан бири, холос.

Мавлуда ҚОСИМОВА
суҳбатлашди.

● Ҳак диннинг ҳақ йўли бўлади

ҚОНУН ВА ИЛМ – ОГОҲЛИКНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

Шоазим МИНОВАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ баъзи вазифалар ҳақида мулоҳазалар

Мустақилликнинг даст лабки кунлариданоқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилиш билан бирга, маърифат ва маънавият ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ҳали мустақиллик расман эълон қилинмай туриб, республикада "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши тасодифий эмасди. Қонун мамлакат фуқароларига истаган динига эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмаслик, диний ташкилотлар ташкил қилиш, диний таълим олиш, зиёратгоҳларга бориш каби ҳуқуқларни кафолатлади. Барча фуқароларнинг қайси динга эътиқод қилишлари ёки эътиқод қилмасликларидан қатъий назар, қонун олдида тенг эканликлари белгилаб қўйилди.

Жамият ҳаётида рўй берган ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда 1998 йилнинг I майида "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" Қонун ҳамда шахс ва инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда белгилаб қўйилган асосий талабларнинг ҳаётга татбиқ қилиш натижасида ёш ўзбек давлатида фуқароларнинг ҳар қандай диний ҳамда руҳий-маънавий эҳтиёжларини қондириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Тарихий анъанага ва ҳақиқатга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисми ислом динига эътиқод қилади. Ҳозирги кунда республикада 1940 та масжид фаолият олиб бормоқда, уларнинг 90 фоизини жомеъ масжидлари ташкил қилади. Мустақиллик йилларида Бухорода "Калон", Тошкентда "Шайх Зайниддин", "Хўжа Аҳрор" каби 10 мингдан 20 мингтача намозхонларни сиғдира олиш имкониятига эга бўлган масжидлар таъмирланди ёки қайта қурилди. Мусулмонлар учун ислом динининг барча фарзларини бемалол адо этишга зарур бўлган шароитлар муҳайё қилинди. Бинобарин мусулмонлар бемалол ибодат қилиш, закот бериш, рўза тутиш ҳамда ҳаж амалларини адо этиш учун Саудия Арабистонига бориш имкониятларидан фойдаланиб келмоқдалар. 12 йил ичида 30 мингдан кўпроқ фуқароларимиз табаррук ҳожи унвонига сазовор бўлдилар, тахминан яна шунча нафар ҳамюртларимиз Умра сафарини адо этдилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Тошкент олий ислом маҳади ва турли вилоятларда жойлашган ўнта мадрасада 2500 дан кўпроқ ёшлар диний илм олмоқдалар.

Мустақилликка эришилгач, Бухородаги Калон масжиди ва Мири-Араб мадрасаси, Самарқанддаги Шоҳи-Зинда мажмуи, имом Ал-Бухорий ҳамда Ал-Мотуридий ёдгорлик мажмуилари, Ат-Термизийнинг мақбараси, Тошкент вилоятидаги Занги ота зиёратгоҳи мажмуи ва кўплаб бошқа қадамжолар давлат ҳисобидан тикланиб, мусулмонлар ихтиёрига топширилди.

Мустақиллик йилларида Қуръон маънолари, имом Ал-Бухорий тузган "Саҳиҳ ҳадислар" тўплами, Марғинонийнинг "Ҳидоя" асари ва бошқа кўплаб диний-илмий дурдоналар ўзбек тилига таржима қилинди, илло халқимиз маънавий тетик, руҳан ва жисмонан соғлом авлод тарбиясида тўғри маънодаги диннинг аҳамиятини тушуниб етди.

Амалдаги қонунчилик томонидан кафолатланган диний эътиқод эркинлиги насоро, буддавийлик, иудаизм ва Кришна таълимоти динларига эътиқод қилувчи 100 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакилларига ҳам диний эҳтиёжларини қондиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 14 диний конфессияга мансуб 187 диний ташкилот фаолият олиб бормоқда.

Афсуски, XX асрнинг ниҳоясида ва айниқса XXI асрнинг ибтидосида рўй берган ҳамда рўй бераётган воқеалар бутун дунёга инсоният олдида ечимини кутиб турган долзарб вазифаларни ҳал қилиш учун ниҳоятда зарур бўлган тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик каби тушунчаларнинг нақадар нозик, ҳимояга муҳтож эканини намойиш қилдилар. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунларда фаоллашиб кетган турли табиий офатлар, даволаш мушкул бўлиб бораётган касалликлар, айрим мамлакатларда илдиз отаётган саводсизлик ҳамда унинг оқибати бўлган жоҳиллик, тараққиётнинг сустлашуви, очлик каби мушкулотларга ҳамжиҳатликда қарши курашиш ўрнига инсоният динни ниқоб қилиб олган айрим гумроҳ, жоҳил ва ёвуз кимсалар томонидан содир этилаётган террористик хуружлар муҳитида, дамини ичига ютиб кун кечиришга мажбур бўлмоқда. Чеченистон, Исроил, Ирок, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон каби мамлакатлар теварагида бўлаётган воқеалар, дунёнинг турли бурчакларида портлаётган ҳамда бегуноҳ инсонларнинг, жумладан гўдакларнинг умрларига зомин бўлаётган бомбалар энг қудратли мамлакатларнинг яхши қуролланган ва уюшган армиялари ҳам онглари диний ва миллий нафрат билан заҳарланган террорчи гуруҳларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш имкониятига эга эмасликларини кўрсатмоқда. Боз устига, "информация - товар", уни боплаб пуллай билсанг бўлди қабилида иш кўрувчи айрим ахборот агентликлари ва журналистлар, таҳлилчиликни даъво қилувчи айрим чаласавод сиёсатдонлар "маданиятлар қарама-қаршилиги", "динлар қарама-қаршилиги" каби башоратлар қилиб, мавжуд аҳволни бўрттириб кўрсатишга, пировардида миллатнинг миллатга, эътиқоднинг эътиқодга қарши бўлиб қолишига сабабчи бўлмоқдалар.

Афғонистон халқи ва унинг қўшнилари тақдирига бефарқлик инсониятга ҳийлагина қимматга тушгандан кейингина жаҳонга таҳдид сола бошлаган жоҳил сиёсий тузумга қарши умумий кураш олиб борила бошланди. Ғарбда ҳамда айрим демократиянинг ғарбча ўлчамдаги меъёрларини кўр-кўрона қабул қилган мамлакатларда моҳияти ва оқибатлари ҳали яхши ўрганилмаган диний секталар фаолияти, вампиризм, иблис тарафдорлари, либертинаж (мутлақ жинсий алоқалар ва бузуқликлар) эркинлиги, инсон ҳаётини суньий яратиш, анъанавий диний қадриятларга қарши кураш олиб борувчи фирқаларнинг кўпайиб бориши, даъват ва прозелитизм фаолиятига бемалол йўл қўйиб қўйилганлиги халқаро барқарорликка зимдан таҳдид солувчи хавф-хатарлардир.

Ҳозирги кунда умумжаҳон кўламида тинчлик ҳамда хавфсизликка таҳдид қилаётган яна бир ошкора хатар - диний ва ирқий тоқатсизликдир.

Ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида диннинг (таъбир жоиз бўлса динларнинг) маърифий-тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш, динга муносабатидан қатъий назар ҳар бир фуқарода динга ва унга эътиқод қилувчиларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш, турли ноанъанавий бузғунчи диний секталар фаолиятини чуқур таҳқиқ қилиш ҳамда объектив хулосалар чиқариш шу куннинг долзарб талабидир.

Диний мафкура соҳасида биринчи ва энг муҳим вазифа - ёшларни экстремистик ҳамда мутаассибчи оқимлар таъсирига тушиб қолишларидан ҳимоя қилиш. Фақат дунёвий ва диний тарбияни тўғри ташкил қилибгина ушбу балонинг олдини олиш мумкин. "Биродар мусулмонлар", "Ислом жиҳоди", "Ал-Ақсо қурбонлари", "Хамас", "Ҳизбут таҳрир" ва бошқа кўпдан-кўп ўзини исломий деб атайдиган, аслида ислом дини ва мусулмонлар учун "айиқ хизмати"ни қилиб бераётган ташкилотларнинг турли мамлакатлардаги фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатадики, улар ўз тарафдорларини асосан диний ва дунёвий чаласавод, ҳаёт ва атрофидагиларга нисбатан нафрат ва газабда бўлган, асосан ижтимоий адолатни, баъзан эса ўзини тан олдириш усулларини излаётган ёшлар орасидан ёллашга уриниб келмоқдалар. Шундай экан, барча қилинаётган ишларга қўшимча равишда маҳаллаларда албатта қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни зарур деб ҳисоблаган бўлардик:

маҳаллаларда ва туманларда кутубхоналар фаолиятини қайта ташкил қилиш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш (компьютерлар, даврий нашрлар, лотин алифбосидаги китоблар, шахматшашкалар ва бошқа воситалар билан жиҳозлаш);

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунни, уни бузганлик учун белгиланган чораларни аҳолига, айниқса ёшларга етказиш, бу ишда ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, имомлар ва диншуносларнинг имкониятларидан фойдаланиш;

маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳамда имомларнинг маҳаллаларда таълим-тарбия ишларида ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳам самарали восита бўлиши мумкин.

● Кўп нарса оқсоқолга боғлиқ

ЎЗ НОМИНИ ОҚЛАГАН МАЪРИФАТ

Термиз шаҳридаги Маърифат маҳалласида ҳисобот-сайлов йиғилиши давом этарди. Гап маҳалла фуқаролари йиғинининг янги таркибини сайлаш ҳақида кетганда, залда жонланиш пайдо бўлди, баҳс-мунозара авжига чиқди.

Маҳалла аҳли Абдусалим Жумаевни раисликка муносиб кўрди.

Булар 1998 йилнинг кузида бўлиб ўтган гаплар эди. Ўшандан буён орадан беш йил ўтди. Абдусалим ҳам ишда тобланди. Ўзи ёш бўлса-да, маҳалла оқсоқоли сифатида танилди, эътибор қозонди. Уни гоҳ маҳалла гузарида меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш аҳволи билан танишаётган пайтда, баъзан кўчаларда тозалик, саранжом-саришталикни кўздан кечириб юрган чоғида, гоҳ хиёбонларда ободончилик ишларига бош-кош бўлган пайтда учратасиз. Биргина бу эмас, маҳалланинг ҳар бир хонадони аъзолари унинг эътиборидан четда қолмайди.

- Энг муҳими, маҳалла тинч бўлишини, одамлар осойишта ҳаёт кечиришларини истайман, - дейди раис.

Фуқаролар ҳам оқсоқолнинг сўзини икки қилмайди. У бошлаган ишни охирига етказади. Муаммо туғилса, бирга бартараф этишади. Тартиббузарлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби ярамас иллатларга қарши раис билан ёнма-ён туриб курашдилар. Агар Термиз шаҳрида жиноят содир этилмаган, ҳуқуқбузарликка йўл қўйилмаган маҳалла фуқаролари йиғини ҳақида гап кетгудек бўлса, албатта Маърифат маҳалласи тилга олинади.

Кўчалар сони йигирмадан ортиқ. Бари тоза-озода. Чиқиндилар ўз вақтида йиғиштириб олинади. Йўлкаларни супуриш ҳар бир оилада одат тусини олган. Ҳудуддаги "Халқлар дўстлиги" майдони қайта қурилди, ободонлаштирилди. Чўлпон номидаги ички йўлга шағал ётқизилди. Акмал Икромов номли кўча қайта таъмирланди. Темир Мирзаев номли кўчани асфальтлаштириш учун 13,5 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Маҳалла идораси қўримсиз бинода жойлашган, ишлаш учун имконият етарли эмасди. Раис бу тўғрида шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилди. Ҳоким А.Жумаевнинг илтимосини эътиборга олди. Идора учун бошқа бино ажратилди. Унда хоналар кўп, аммо у таъмирталаб эди. Халқ оқсоқолга мададкор бўлди. Бино қисқа муддатда ҳашар йўли билан таъмирдан чиқарилди. Ундан милиция таянч пункти ҳам ўрин олди.

Ҳа, Маърифат маҳалласида ибратли ишлар кўп. Булар - раис Абдусалим Жумаев, котиба Саида Муҳаммадова, посбонлар сардори Муҳаммади Намозов, педагог-тарбиячи Салоҳиддин Абдусаломов, воянга етмаган ёшлар билан ишлаш, тўй ва ҳашамларни ўтказиш, ободончилик, маъмурий комиссиялар раислари - Олий Мажлис депутати Робия Каттаева ҳамда Холиддин Холматов, Бобохон Қораев, Ҳусан Мамадалиевлар қилаётган фидокорона меҳнатнинг маҳсули, тўкаётган пешона терининг натижаси.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

● Банк хизмати - аҳолига

ФОЙДАЛИ МЕҲНАТ ҚИЛУВЧИЛАР ҚЎЛАЙМОҚДА

Ҳар бир банк - ҳоҳ у катта ёки кичик бўлсин, ўз фаолиятида битта қонуниятга бўйсунади. Яъни мижоз билан чамбарчас алоқа боғлайди. Чунки, қайси банкнинг мижози бисёр бўлса, шу банк ривожланишга юз тутади, иқтисодий одими тезлашади. Агар банк маъмурияти ўз мижозлари манфаатларини кўпроқ ва мақсадлироқ ҳимоя қилса, уларга турли енгилликлар, имтиёзлар яратиб берса - билингки, бу ерда тараққиёт йўлига асос солинган бўлади. Чунки, бундай қулай шароит банкка кўпчиликни жалб қилиш имконини беради ва ўз-ўзидан тушунарлики, бундай шароит пул маблағларини нормал айланишини таъминлайди.

Фарғона вилоятидаги Акциядорлик тижорат "Пахтабанк" Янгиқўрғон бўлими фаолияти ҳам юқоридаги усулда ташкил этилгани учун самарали натижага эришилаётир. Жумладан, ўтган йили жами мижозлар 690 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 833 тага етди. Уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермерлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, омонатчилардан иборат.

- Мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларини ой сайин ошириб боришга ҳаракат қиляпмиз, - дейди банк бошқаруви раиси Иброҳимжон Ғофуров. - Хусусан, биринчи навбатда корхона, ташкилотлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг нақд пулсиз операцияларини тезлик билан амалга ошириш, дастлабки сармояни шакллантириш учун Бизнесфонд, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармалари томонидан берилаётган имтиёзли кредитлар ажратилишига ёрдам беряпмиз. Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишини барқарорлаштириш мақсадида ўз маблағимиз ҳисобидан бериладиган 20 фоизли кредитлардан ташқари имтиёзли кредитлар ҳам ажратилаётганидан мижозларимиз мамнун бўлишаётир.

Аслида ҳам шундай. Икки томонлама ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш учун омонат турлари кўпайтирилди. Чунончи, "Ҳосил", "Фаровонлик", "Истиқлолинг муборак" кабилар шулар жумласидандир. Бунда омонатга пул қўйган фуқаролар йил якунида 36 фоиздан 50 фоизгача даромад қилишлари мумкин.

Булардан ташқари пахта йиғим-терими мавсуми пайтида ҳар беш кунликда пахтакорлар нақд пул билан таъминландилар. Ҳозирги кунгача қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермерларга 141 миллион сўм нақд пул берилгани юқоридаги фикр исботидир.

Яна шу нарса диққатга сазоворки, банкда аҳоли бўш маблағларини жозибадор депозитларга жалб қилиш иши ҳам намунали йўлга қўйилган. Шу йилнинг 9 ойида фуқароларнинг 72 миллион сўмдан ортиқроқ маблағи банкда сақланаётгани фикримиз далилидир.

Банк жамоаси ҳукуматимизнинг тадбиркорликни тобора ривожлантириб бориш тўғрисидаги ғамхўрликларига жавобан, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтирмоқда. Масалан, жорий йилнинг 9 ойида кичик ва ўрта бизнес субъектларига 609 миллион 311 минг сўмлик кредит берилди. Бу - ўтган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 258 миллион сўм кўп, демакдир.

Иброҳимжон Ғофуров раҳбарлигидаги банк жамоаси аъзоларидан Юсуфжон Усмонов, Аъзамжон Рўзиев, Шарифахон Султонова, Муқаддасхон Акбарова каби ўз касбининг фидойилари мижозларга намунали хизмат кўрсатишда ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

Яна шуни айтиш жоизки, банк тадбиркорликни ривожлантириш учун кредитлар ажратар экан, бу билан янги иш ўринлари яратилишига ўз улушини қўшиб келаётир, Масалан, маҳаллалар ҳудудида ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўлганлар сони шу йил 9 ойида ўтган йилга нисбатан 410 нафарга кўпайган. Йил охиригача бу рақам янада ортади.

Бўлим маъмурияти, шунингдек, ўз ходимлари ижтимоий муҳофазаси билан ҳам чинакамига шуғулланишга ҳаракат қилмоқда. Иш жойларида қулай шарт-шароит яратилиши билан бирга, улар тўй, маъракаларида тегишли моддий ёрдам уюштирилиши одатий тусга кирган. Ходимларнинг маданий дам олиш, малакали даволанишлари учун ҳам қайғурилади. Юқори малакали мутахассисларнинг фойдали тажрибалари кўпчилик мулкига айлантирилиб, меҳнатлари рағбатлантириб борилиши ҳам иш унумига ижобий таъсир ўтказаётир.

Абдунаби МАННОПОВ,
Муқим АҲРОРОВ.

Фарғона вилояти

КАСАБА УЮШМАСИ ҲИММАТИ

Давлатимиз раҳбари «Иқтисодий ислоҳотларнинг қайси соҳаси бўлмасин, унинг бош масаласи ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, яъни уларга бўлган раҳбарнинг эътиборини кучайтириш керак, бу борадаги муваффақият асосан, кадрларга, уларнинг малакаси, ислоҳотлар, бозор муносабатлари моҳиятини нечоғли идрок этишга боғлиқ» дея таъкидлаган эдилар. Бу сўзларнинг нақадар ҳаётийлигини Қувасой шаҳар «Олтин-Юлдуз» кичик корхонасининг тараққиёт йўли мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бу ҳақда ушбу корхонанинг касаба уюшма қўмитаси раиси Ғанижон Аъзамжонов шундай дейди:

- Ушбу корхона «Қувасойцемент» акциадорлик жамиятига қарашли бўлиб, бу ерда асосан сут, қатиқ, бринза ва қаймоқ маҳсулотлари сариёғ, творог ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу юмушлар 25 нафар ишчи томонидан амалга оширилмоқда. Шу боис уларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи кун тартибидан мустаҳкам ўрин олган. Чунончи, ойлик маошлари ўз вақтида берилишидан ташқари, мунтазам моддий ёрдам бериб келинаётир.

Жорий йилда корхона раҳбари Турсунбой Нишонбоевнинг ташаббуси билан Қувасой шаҳридаги мактабларни таъмирлаш, уларни ободонлаштириш ишларига ҳомийлик қилинмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки,С.Нишонов номли маҳаллада яшовчи кам таъминланган оилалар, қариялар, нафақахўрларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, улар учун сут, қатиқ, қаймоқ тарқатиш шохобчаси ташкил этилган.

Суҳбатдош:
А.МУҚИМОВ.

Спорт иншоотлари қурилишида



Болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар Фарғона вилоятида ҳам авжида. Яқин кунларда 450 ўринга мўлжалланган Олимпия заҳиралари спорт иншооти ҳам 8-қурилишмонтаж трести ишчилари томонидан фойдаланишга топширилади.

Суратда: корхонанинг уста бунёдкорлари Абдуғани ЗИЁВУДДИНОВ ва Аҳмаджон ЎТАКОВЛАР.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

● Ёшлар дунёқарашига бир назар

ТУЙҒУЛАР ТУҒЁНИ...

... Аллома Арастунинг "Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга, машққа", - деган башорати мустақил Ўзбекистонда ҳақиқатга айлана бошлади. Истеъдодларни қўллаб-қувватлаш учун махсус ўқув масканлари ташкил этилди.

Гулноза ҳам бу имкониятлардан баҳраманд бўлди. У Косон туманидаги ихтисослашган мактабда илм сирларини чуқур ўрганиш, ўз истеъдоди қирраларини намойиш қилиш имкониятига эга бўлди. Кўпгина устозлари унга қанот бўлди. Тафаккурида туғён урган туйғулар шеъриятда, рақсда, спортда ўзини кўз-кўз қила бошлади. Ватан, ота-она, она тилимиз, огоҳлик, Конституциямиз, сув ва атроф-муҳитни эъзозлаш, таълим олаётган масканига эътиқод туйғулари билан суғорилган иншолари танловлар "тарозисида тош босди".

Яқинда унинг вилоятдаги "Насаф" нашриётида чоп этилган "Ватан не деб сўрганларга..." деб номланган, Республика "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа марказида босилган "Муқаддас туйғу" иншолар мажмуаси нашрдан чиқди.

Уларда Гулнозанинг онг-тафаккурида шаклланган, шуурига шуъла сочган туйғулар қанот ёзди.

Ана шулардан бирига қулоқ тутинг:

"Мен ўз тенгқурларимга ўз дил изҳорларимни қуйидагича баён этаман:

Қалбингизга ақидапарастликни эмас, маърифатни, ахлоқни, исломни жо этинг, Ислом умуман, динлар дунёвий билимларни инкор этмаслигигини унутманг. Келажак давлатимизнинг тақдири юксак дунёвий билимларни жамлаган Сиз каби ёшлар қўлида эканлигини доимо эсингизда тутинг".

Гулноза "Ватан- саждагоҳ каби муқаддасдир" номли иншосини шоирнинг: "Чумолини билмай босиб, гуноҳимга сўроқ бердим, Ватан не деб сўрганларга бир кафтгина тупроқ бердим" сатрлари билан бошлабди. "Бир кафтгина тупроқ" замиридаги туйғуларни ҳис қилиш осон кечмайди, албатта. Гулноза унинг маъносини "Қуш учаётиб қанотининг ифори ҳақида ўйламайди, унинг ўткир кўзлари олисларга чоғланади. Оқаётган шаффоф сув ҳам ўз шилдирашига маҳлиё бўлмайди, ялангочлик қадар тиниқлигидан тортинмайди. Қаршимизда турган қиррадор чўққиларнинг бизни босаётгандай салобати уларнинг ўзига билинмайди", деган каломларда Ватанга меҳрини намоён қилади.

Иншолардан бири "Аёл дунёни тебратар" деб номланади.

Гулноза наздида "Аёл бир қўли билан дунёни тебратса, бир қўли билан бешикни тебратади. Она миллат руҳини оҳангга солиб алла айтади. Алла тинглаётган руҳдан қанот ўсиб чиқади, бешикда алла эшитаётган Ватан улғаяди..."

Гулноза Қомусимиз ҳақида ўз туйғуларини ифодалар экан, унингча, "Конституция давлатнинг митти модели... Мустақиллигимиз шарофати ила дунёга келган мазкур Қомусимиз, шубҳасиз, мамлакатимиз ва ҳар биримизнинг ҳаётимизда салмоқли ўрин тутади. Унда қарор топган инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизнинг қонуний маъноси демократия кенг тараққий этган давлатлар Конституцияси билан бемалол беллаша олади".

Она тилимизнинг буюк қудрати ҳам ёш ижодкоримизнинг назаридан четда қолмайди. Унингча, "Тил бор - давлат бор. У, аввало, мустақилликнинг шаҳодатномаси".

Ўзбекистонда XXI аср таълими, муаллими, мактаби ва ўқувчиси ҳақида гап кетаётган ҳозирги кунда бу матн-иншоларнинг назарий, маърифий, тарбиявий аҳамияти катта, чунки ўқувчининг мустақил фикрлаш, фикрни нутқ шаклига кўчириш, миллий руҳ, миллат маънавиятини шакллантиришда аҳамиятлидир. Гулнозанинг митти қалбидан қайнаб чиққан ҳаёт ҳақиқати ҳақидаги матнлар эса тенгдошларига ибрат намунаси, услубий-амалий қўлланма сифатида хизмат қилади.

Э.ШОДМОНОВ,
Қашқадарё вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти филология кафедраси мудири.

Олам турфа

КЎК АТИРГУЛ

Маълумки, қизил, сариқ, пушти, оқ рангдаги атиргулларни барчамиз яхши биламиз. Эндиликда улар қаторига кўк ранглиги ҳам қўшилди. Уни Японияннинг "Санитори" корпорацияси мутахассислари яратди.

Аслида дунёда атиргулларнинг 20 минг тури мавжуд. Бироқ уларнинг бирортасида ҳам кўк бўёқ олиш учун ферментлар йўқ эди. Мана энди бу муаммо ҳам ҳал бўлди.

ЭНГ ЗАРАРЛИ МАВЖУДОТ - ИНСОН!

Америкодаги ҳайвонот боғларидан бирида ғалати нарсага кўзингиз тушади: "Ушбуни яхшилаб кўрмасдан туриб, бошқа нарсаларга қарашнинг асло қизиғи йўқ!"

Албатта, бундай ёзувлар ҳайвонот боғига келганлар диққатини тортади ва улар беихтиёр ўша плакат томон одимлайдилар. Унда: "Сиз ойнага қараб сайёрадаги энг зарарли мавжудотни кўриб турибсиз. У ҳеч нарса барпо қилмасдан туриб, ҳамма нарсага қирон келтирмоқда. Ҳайриятки, у ҳали ҳамма нарсани йўқ қилиб ташлашга муваффақ бўлолмади. Сиз ҳозир ана шу сақланиб қолган ажойиботларнинг гувоҳи бўласиз. Энди, эй инсон, бор, ҳаммасини кўр ва ўйла!" деб ёзилган.

БИР ШАПАЛОҚ УРГАНГА ИККИ ЙИЛ

Португалия олий суди бир жиноий ишга ҳукм чиқаргач, жазо чораларини қайта кўриб чиқишга қарор қилди ва тезда амалга жорий этди.

Эндиликда кимки бировни кафти билан бир шапалоқ урса, жиноятчи ҳисобланади ва икки йил муддатга озодликдан маҳрум этилади, ёки унга катта миқдорда жарима солинади.

"КЎКАЛДОШ"ДА "MAHALLA" ТАДБИРИ



...Тошкент шаҳридаги ноёб тарихий обидалардан саналган Кўкалдош мадрасаси тўғрисида манбаларда унинг Дарвешхон томонидан қурилгани 1569-1570-йилларда ишга туширилгани ҳақида ёзилади.

Мадраса 1866 ва 1886 йилларда рўй берган кучли зилзилада қаттиқ шикастланган ва бугунга қадар бир неча марта қайта тикланиб, таъмирланган. Кўкалдош мадрасасида Муқимий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Хислат каби шоирлар ва бошқа замонасининг маърифатпарвар кишилари таҳсил олганлар...

Истиқлол йилларида мадраса таъмирланди, бу ерда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Кўкалдош ислом ўрта-махсус билим юрти фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда мадрасада Обод маҳалла йилига бағишланган маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда билим юртимиз ўқитувчилари ва талабалари, мадрасамиз жойлашган Тошкент шаҳар Гулзор маҳалласининг фуқаролари қатнашдилар. Айниқса тадбирда ўзимиз қизиқиб ўқийдиган севимли нашрларимиздан "Mahalla" газетасининг ходимлари қатнашгани туфайли тадбир янада қизиқарли ўтди. Газета бош муҳаррир Чори Латипов сўзга чиқиб, ўқитувчилар ва талабаларимизнинг газета, юртимиздаги маҳаллалар фаолиятига оид ва бошқа саволларига жавоб берди. Шунингдек, тадбирда маънавият-маърифат ишлари бўйича билим юрти директор ўринбосари А.Жўраев маъруза қилди.

Билим юртимизда диний илмлар билан бир қаторда дунёвий фанлар ҳам ўқитилади. Бундан ташқари мусаввирлик, ўймакорлик бўйича тўгараклар ишламоқда. Кутубхонамизда газета ва журналлар жавони мавжуд, бир қатор нашрларга обуна бўлганмиз. "Mahlla" газетасига келаси йил учун ҳам обуна бўлдик. Чунки бу нашрда маданий-маърифий, аҳлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга мақолалар мунтазам берилади.

Т.ТОШБОЛТАЕВ,
Кўкалдош Тошкент ислом ўрта-махсус билим юрти ўқитувчиси.

● Идорага жой муаммоси

Кимнинг ҳукми зўр?

ёхуд Қарлиқхона маҳалласи фуқаролар йиғини учун бино машмашаси

Маҳалла идорасини қидириб аранг топдик. У мактаб ҳовлисининг четида, фаррошлар асбобларини қўядиган кичкина хонада жойлашган экан. Бутун бойлиги битта кичик столу қутидан иборат. Бир бурчакда қисилибгина ўтирган маҳалла котибаси Сабоҳат Остонова билан ноилож ташқарида гаплашдик. Суҳбатимиз "Обод маҳалла йили" дастурининг қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида борди. Маҳаллага оид қайси соҳада гап очмайлик охири келиб маҳалла идораси, гузарига тақалаверади.

Маҳаллада илгари ҳам бўлганман. Ўшанда маҳалланинг собиқ оқсоқоли Қосим Насимов билан кенг ва ёруғ хонада суҳбатлашган эдик. Маҳалла ҳовлисида котиба, посбон учун ҳам алоҳида хоналар бор эди.

- Хўш, маҳаллага тегишли бинолар ва ҳовли нима бўлди? - сўраймиз фуқаролар йиғини раиси Инат Муқимовдан.

- Эҳ-ҳе, бунинг тарихи жуда узоқ. Тўғриси, эсласам юрагимга оғриқ киради. Эсингизда бўлса керак, ҳозирги "Аср мўъжизаси" чойхона-ресторанининг ўрнида "Наврўз" чойхонаси, сартарошхона, уч хонадан иборат маҳалла идораси ва ҳовлиси бор эди. "Ражаб ота" фирмасининг бошлиғи Султон Шерматов ана шу жойларни ўзининг хусусий мулкига айлантириш ниятида ҳужжат тўплаётганини эшитиб қолдик. Бу ҳақда шаҳар ҳокимлигига шикоят қилдик. 1997 йил 5 августда шаҳар ҳокимининг "Қарлиқхона маҳалла қўмитасига иккита хона олиб бериш ва ер майдони ажратиш тўғрисида"ги қарори чиқди.

"Қарши шаҳар Насаф кўчасидаги "Ражаб бобо" фирмасига қарашли «Наврўз» чойхонаси биносидан Қарлиқхона маҳалла қўмитасига 2 та хона (51,3 м2) айвони билан (40,5 м2) олиб берилсин ва 394 м2 ер майдони ажратилсин" дейилганди унда.

Маҳаллага ана шу хона ва ҳовли ажратилиб, фуқаролар йиғини, унинг аъзолари ўз фаолиятларини илгаригидек давом эттирдилар. Лекин бу узоққа чўзилмади.

- 2001 йил бошларида фирма бошлиғи Султон Шерматов "Наврўз" чойхонаси, сартарошхона ва маҳалла идорасини бузиб, ўрнига замонавий бино қуришни, шу бино билан уч хонасини маҳаллага беришини айтиб қолди, - дейди оқсоқол афсус-надомат билан.

- Сиз унинг ваъдасига рози бўлгансиз албатта. Лекин ундан бу ҳақда бирор ёзма ҳужжат олиш ёки шартнома тузиш ҳақида ўйлаб кўрмагансиз? - сўраймиз ундан.

- Мен эмас, у мендан ана шундай розилик хатини ундирди, "Наврўз" чойхонаси ва бизга тегишли туташ хоналар бузиб ташлангач, кўчада қолдик. Одамлар билан тўғри келган жойда гаплашамиз...

Кунлар ўтаверди. Бу орада "Наврўз" чойхонасининг қарама-қарши томонидан Марказий универмаг директори Неъмат Аҳмедов савдо маркази учун икки қаватли бино қурди. Унинг ёнидан чала қурилган 4 хонали бино, 12 метр узунликдаги айвон, 80 ўринли маънавият ва маърифат хонаси, 200м² ер майдони маҳалла гузарига берилиши керак эди. Ҳар ҳолда Н.Аҳмедов ҳам мазкур жойни маҳалла учун ваъда қилган эди. Аҳмедовнинг бу ҳақдаги розилик хати ҳам олинганди. Лекин шу ердаги сартарош Жалил Хонкелдиев бу жойлар отамдан қолган деб эгаллаб, қулфлаб олди.

2003 йил феврал ойида "Наврўз" чойхонаси ўрнида "Аср мўъжизаси" деб номланган ҳашаматли чойхона-ресторан қурилиши тамомланди (лойиҳа смета ҳужжатларида ишлаб чиқариш корхонаси дейилган). Султон Шерматов эса илгари ваъда қилинган биноларни маҳаллага бермаслигини айтди.

Шундай қилиб бу бинодан ҳам маҳаллага жой тегмади. Шу йил феврал ойида бўлган йиғилишда шаҳар ҳокими шундай деди:

- Маҳаллага тегишли бўлган хоналар ва ер участкаси ажратиб берилмас экан, "Аср мўъжизаси" чойхона-ресторанини очишга рухсат этилмайди".

Ўша пайтда маҳалла оқсоқолининг қувончи ичига сиғмасди. Йиғинда қатнашган қўшни маҳаллаларнинг раислари уни чин дилдан табриклашди.

Аммо "Аср мўъжизаси" ресторани маҳаллага жой ажратмасдан очилди ва иш бошлади.

Жойсиз қолган маҳалла фаоллари саросимага тушиб, югур-югурни яна давом эттирдилар. Анча уринишлар, асаб-бозликлардан сўнг 2003 йил 20 майда шаҳар ҳокимининг Х-474/5 рақамли Қарлиқхона маҳалласи фуқаролар йиғинига бино ажратиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарор маҳалла фуқаролар йиғинига икки ой ўтиб, бир қанча илтимослардан сўнг 17 июлда келиб тегди. Қарорда шундай дейилади:

1. Насаф кўчасидаги Аҳмедов Неъмат ҳомийлигида қурилиши бошланиб тугатилмаган бино ҳамда Шерматов Султон томонидан қурилган чойхона биносининг учта хонаси Қарлиқхона маҳалласи фуқаролар йиғини ҳисобига ўтказилсин.

2. Қарлиқхона маҳалла фуқаролар йиғинига фуқаролар Шерматов Султон ва Аҳмедов Неъматлар билан биноларни текшириш, қабул қилиш бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш топширилсин.

Ҳатто қарорда фуқаролар йиғинига қабул қилиб олинган бинолар негизида маҳалла гузари ташкил этиш, унинг лойиҳа ҳужжатларини шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасидан тасдиқлатиш ҳам топширилган.

Ҳокимнинг қарори чиққанидан буён ярим йил ўтганига қарамай, маҳалла гузари ташкил қилиш масаласи муаммолигича қолмоқда. Иккала томондан ҳам маҳалла гузари учун жой ололмаган Қарлиқхона оқсоқоли, фахрийлар кенгаши ва уларнинг аъзолари, Республика Вазирлар Маҳкамасига, вилоят ҳокимига шикоят хати ёзишга мажбур бўлдилар. Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими О.Алихўжаевдан қуйидаги мазмунда хат келди:

"Адлия вазирлигига,
Давлат архитектура қурилиш қўмитасига
Қашқадарё вилоят ҳокимлигига (О.Худойқулов)

Аризада кўтарилган муаммоларни биргаликда чуқур ўрганиб чиқиб, чора кўришингизни ва қонун доирасида "аризачиларга жавоб беришингизни сўрайман".

Дарҳол комиссиялар тузилди, биргаликда текширишлар ўтказилди, масала синчиклаб ўрганилиб, қуйидаги хулосага келинди:

Шерматов Султон томонидан қурилган "Аср мўъжизаси чойхона-ресторанининг учта хонаси ва ер майдони, Аҳмедов Неъмат ҳомийлигида маҳалла гузари учун қурилган 5 хона, айвони билан Қарлиқхона маҳалласи ҳисобига ўтказилиши зарур.

Маҳалла фахрийлари томонидан ёзилган шикоят хатида ҳам, текширувчиларнинг хулосасида ҳам, шаҳар ҳокимининг қарорларида ҳам маҳаллага жой олиб бериш масаласи бир хил ва тўғри талқин қилинади. Бироқ бу масалани охиригача узил-кесил ҳал қилиш билан ҳеч ким шуғулланмаяпти.

Масалан, 2003 йил 11 октябр куни соат 11 да шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳамзаев Қарши шаҳар ҳокимининг 2003 йил 20 майдаги Х-475/5 сонли қарори ижросини назорат қилиш учун Қарлиқхонага келди. У маҳалла оқсоқоли, йиғин аъзолари иштирокида Аҳмедов Неъмат қурган бинони маҳалла ихтиёрига олиб бериш учун сартарош уста Жалил Хонкелдиевдан калитни сўраб олиб фахрийлар кенгаши раиси Рўзи Шариповга узатди. Жалил Хонкелдиев эса: "калитни олавераринг, мен бошқа қулф соламан. Ота-бобомдан қолган бу жойни ҳеч кимга бермайман", дедию чиқиб кетди ва эртасига худди шундай қилди. Аммо унинг отасидан мерос нима, қайси ҳужжат асосида дейилган савол унга берилса тўғри бўларди. "Аср мўъжизаси" ресторанидан маҳаллага тегишли жойни олиб бериш ҳақида эса гап ҳам бўлмади. Аммо 2003 йил 25 мартда шаҳар ҳокимлигидан вилоят ҳокимлигига "Ражаб ота" фирмасининг раҳбари Шерматов Султон "Наврўз" чойхонасини қайта реконструкция қилиб, янги бинодан Қарлиқхона маҳалла фуқаролар йиғини учун 3 та хона ажратиб берган. Аҳмедов Неъмат маблағи ҳисобидан маҳалла учун қурилган хоналарни олиб бериш масаласини ижобий ҳал қилиш кўриб чиқилмоқда", дейилган 62-сонли алоқа хат жўнатилди.

Қарлиқхона маҳалласига тегишли бўлган иккала томондаги бинолар ҳам бўш турибди, қулфлаб қўйилган. Уларни ҳақиқий эгасига топшириш билан шуғулланиб, масалани узил-кесил ҳал қилувчи ташкилот наҳотки Қаршидек шаҳри азимда топилмаса?!

Обод маҳалла йилида республика, жумладан Қашқадарёдан ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг кўпини ҳиммат ли тадбиркорлар ўз жамғармалари ҳисобидан бажараяптилар. Маҳалла гузарларини барпо этаётган саховатпеша кишилар Қарши шаҳрида ҳам кўп. Қарлиқхоналик тадбиркорлар - Султон Шерматов ва Жалил Хонкелдиевлар маҳалла гузарини ташкил этишдек хайрли ишга бош қўшсалар, савобга доҳил бўлар эдилар. Шаҳар ҳокимлигининг бу ишларни амалга ошириш, сансаларликка барҳам беришга кучи етар иншооллоҳ.

Самад ҚОДИРОВ,
журналист.

⚽ Осиё футболи

Учинчи уриниш

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг футбол бўйича миллий терма командамиз Осиё қитъаси миқёсидаги мусобақаларда иштирок эта бошлаганига ҳам ўн йил бўлибди. 1994 йилнинг кузида Японияннинг Хиросима шаҳрида ўтказилган XII Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олган футбол турнири айнан бизнинг футболчиларимизга муваффақият келтирган эди.

Аммо афсуски, 1996 йили Бирлашган Араб Амирликлари яшил майдонларида, орадан тўрт йил ўтиб Ливан стадионларида чарм тўп усталаримиз рақибларидан заифроқ эканликларини тан олишга мажбур бўлишди.

Келгуси йили Хитойда ўтказилиши режалаштирилган финал босқичига ҳар бир саралаш гуруҳидан иккитадан жамоа чиқиши белгилаб қўйилган. Тўрт жамоа орасида камида иккинчи бўлиш кифоя. Саралаш баҳсларидаги рақибларимизни эса, рости, унча кучли деб аташга тил бормайди. Гонконг, Таиланд ва Тожикистон терма жамоаларининг қаршилигини енга олмасак, финал босқичида иштирок этишнинг нима қизиғи бор, тўғрими?

Бу йилги саралаш мусобақалари икки даврада – Тошкент ва Бангкокда ўтказилишига рақиблар келишиб олишган эди. Пойтахтимиздаги мусобақалар кўпчиликнинг башоратини чиппакка чиқариб улгурди. Чунки ишқибозлар икки йўлланма мамлакатимиз ва Таиланд терма ларига насиб этишини деярли ҳал бўлган масаладай қабул қилишаётган эди. Бу бежиз эмас эди, албатта. "Пахтакор" Осиё футбол конфедерацияси томонидан қитъамизда ўтган йил якунларига кўра "Энг кучли клуб" деб топилган бўлса, Бангкокнинг "Бек-Теро Сасана" клуби Осиё чемпионлар лигасида зафар қучган. Боз устига термамиз бир қатор легионерлар билан кучайтирилган. Ниҳоят, ўйинлар мана шу икки команда майдонларида ўтказилиши ҳам ўз таъсирини ўтказиши табиий бир ҳол сифатида қабул қилинган.

Биринчи учрашувда ён қўшнимиз Тожикистон термаси Таиланд командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Футболчиларимиз дастлаб Гонконг терма командаси билан бахс олиб боришди. Биринчи ўйиннинг биринчи дақиқасидаёқ меҳмонлар дарвозасига гол киритилди. Андрей Акопянц шиддатли ҳужумни муваффақиятли якунлади. Кейинчалик Владимир Шишелов(икки марта) ҳамда Анваржон Солиев киритган голларга эса гонконгликлар фақат бир гол билангина жавоб бера олишди, холос. Қисқаси, яккол устунлик ҳисобда ўз ифодасини топди – 4:1.

Иккинчи турдаги Тожикистон-Гонконг баҳсида дарвозаларга тўп киритилмади. Ўзбекистон терма командаси эса асосий рақиб деб ҳисобланган Таиланд терма командасига қарши майдонга деярли жанговар таркиб билан тушди. Европа чемпионлар лигаси баҳсларида ўз клублари шарафини ҳимоя қилган Киевнинг "Динамо"си ҳужумчиси Максим Шацких ҳамда Москва темирйўлчилари Олег Пашинин ва Владимир Маминов майдонда ҳозир бўлгани мухлисларнинг руҳини кўтариб юборди. Оқибатда 3:0, ғалаба жамоамиз фойдасига бўлди.

Биринчи давранинг сўнгги учинчи тур учрашувларида ҳам таиландлик футболчилар Гонконг жамоасидан мағлубиятга учрашди - 1:2.

Ўзбекистон-Тожикистон баҳси иккинчи давра олдидан вазиятга ойдинлик киритиши керак эди. Ғалаба бизникиларни амалда финал босқичи иштирокчисига айлантириши деярли аниқ бўлиб қолган бир вазиятда Равшан Ҳайдаров командаси ўз олдидаги вазифани муносиб уддалади дейиш мушкул. Ўйин 0:0 ҳисобида якунланди. Дарвоқе, қўшниларимиз дарвозасига ҳозирча ҳеч ким гол кирита олмагани диққатга сазовор.

Демак, бир ҳафтадан сўнг Таиландда жамоалар қайта учрашадилар. Бунгача мусобақа жадвали қуйидагича:

Ў	жамоалар	F	Д	М	Тўплар	Очко
1	Ўзбекистон	2	1	0	7-1	7
2	Тожикистон	1	2	0	1-0	5
3	Гонконг	1	1	1	3-5	4
4	Таиланд	0	0	3	1-6	0

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Иқтисодий-молиявий ишларингиз борасида бирор қарорга келишдан олдин ҳар жиҳатдан яхшилаб ўйлаб олсангиз зарар қилмайсиз.

СИГИР(22.0420.05)
Сезган бўлсангиз апрель ойидан бери ҳаётингизда муҳим ўзгаришлар бўлмоқда. Ҳар ҳолда йил охиригача юлдузлар шундай вазиятни башорат қилмоқдалар.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)
Сизга хос бўлган ўз ўзини танқид қила билиш ва бошқаларнинг танқидий фикрларини тўғри қабул қилиш қобилияти шу кунларда сизни ноқулай вазиятдан қутқаради.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)
Шу кунларда бажарилиши анча вақтга чўзилиш мумкин бўлган юмушларга қўл урасиз. Билингки, бу ёмон ҳам, яхши ҳам эмас.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Келаси чоршанбагача қарама қарши жинс вакиллари билан муносабатларингиз бир текис кечмайди. Турли ноқулай вазиятларга дуч келишингиз эҳтимол.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Хорижга чиқиш билан боғлиқ турли масалаларни ҳал этиш учун шу кунларда жуда ноқулай. Кўзлаган мақсадингиз эришолмайсиз, вақтингиз кетгани қолади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Чоршанба ва пайшанба кунлари молиявий масалаларни ҳал этишда ҳушёрроқ бўлганингиз маъқул. Ишонмагин дўстингга деган мақол ёдингиздами?..

ЧАЁН (23.10-22.11)
Шу кунларда бирон таклиф кўниш ёки никоҳ билан боғлиқ масалларда шошилинч қарор қабул қилиш қоғибатида анча вақтгача бошингиз ташвишда қолиши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Шу кунларда оила аъзоларингизда одатдагидан кўпроқ ғайрат-шижоат намуналарини кўрасиз. Бу сизга уйда кўпроқ дам олиб, ҳордиқ чиқариш имконини беради.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Муҳим ҳужжатларни имзолаш учун жуда ноқулай дамлар яқинлашмоқда. Маслаҳатга амал қиласизми, йўқми ўзингиз биласиз, ҳар ҳолда бироз кутганингиз маъқул.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Нима учундир тушкунликка тушиб қолгансиз, лекин умуман олганда ишларингиз жойида. Кайфиятингизни кўтаришнинг бирон чорасини изланг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Шу кунларда ташкилотчилик қобилиятингиз ҳар доимгидан ҳам жўшмоқда. Бу хусусиятингиз атрофдагиларга ҳам юқса эди, анча юмушлар битган бўларди.

Узбекское-Российское СП«НЕЙРОН» зарегистрированное в Минстерстве юстиции РУз. 23 марта 1998 г. за №322 производит реорганизацию путем присоединения к Узбекско-Английскому СП «СП «DURAN PETROLEUM». С момента государственной регистрации данной реорганизации правопреемником является СП«DURAN PETROLEUM»

СИЗ ХАРИД ҚИЛДИНГИЗ!

Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга. Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунидан

Обуна-2004

• Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla •

Ф. МТ-1

АБОНЕМЕНТ газета / журнал **Mahalla** 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

п.в. жойи НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ 148 (нашр кўрсаткичи)

Mahalla (нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

Эшитмадим, деманглар!!!

обуна уюштирувчи учун таҳририят мукофоти бор!

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича:

- ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига 2 тадан кам бўлмаган ва обуналар сони 1000 донадан (фуқаролар йиғини сони 400 тадан кам бўлса, 850 донадан, 300 тадан кам бўлганда 700 донадан) ортиқ йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимига 1 дона компьютер жамланмаси, ушбу шарт 80 фойизга бажарилганда рангли телевизор;

Туманлар бўйича:

- ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига йиллик обуна 2 донадан кам бўлмаган ва умумий йиллик обуналар сони 120 донадан (фуқаролар йиғини сони 40 тадан кам бўлганда 90 дона, 30 тадан кам бўлганда 70 донадан) кам бўлмаган йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасига бир дона рангли телевизор, ушбу шартлар 80 фойизга бажарилганда оқ-қора тасвирли телевизор;

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўйича:

- ҳар бир маҳалла ҳисобига йиллик обуна 3 донадан, умумий сони 25 тадан кам бўлмаганда фуқаролар йиғинига оқ-қора тасвирли телевизор.

Ўз маҳалласида 10 донадан ортиқ йиллик обуна уюштирган маҳалла фуқаролар йиғинига таҳририятнинг махсус мукофоти берилади.

ТАҲРИРИЯТ

Обуна бўлинганлик ҳақидаги ҳужжатлар таҳририятга тақдим этилади.



ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор Файзуллаева Фатима Сарсенбаевна номига 2003 йил 9 январда берилган Ж.Ш 005011 рақамли чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Тахтапул маҳалласи фуқаролар йиғинига Давлат статистика бошқармаси томонидан берилган рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (код 17089613) йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент банк коллежи томонидан МУСУЛМОНОВ Содиқжон Мирзоёрович номига 2003 йилда берилган 010234 (реестр рақами 54) сонли имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Паркент бозорига яқин жойда жойлашган ҳамма қулайликларга эга уй сотилади, икки линияда телефони бор. Офис учун қулай.
Тел: 68-04-68, 68-49-66.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

4832 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-0023 Топширилди—21.00